



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 31 июль, шанба • №62 (11.657) • Эркин нархда сотилади

Фаоллик давр талаби

Кеча Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар муаммоларини ҳукумат до-

ирасида ҳал этиш борасида катта ва кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга Ватанимиз тараққиёти мобайнида бу жараён янада чуқурлашиб, янги чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилнинг 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурини тасдиқлаш ҳақидаги шу йил 29 июндаги қарори жамиятимизда хотин-қизларнинг фаолиятини, мавқеини янги сифат босқичига кўтаришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Биз ўз олдимишга кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш вазифасини қўйганмиз. Республикаимизда бу жараён давом этмоқда. Айни вақтда ҳаёт ҳозирги ривожланиши-миз мобайнида олдимишга кўпгина муаммоларни ҳал этиш-ни ҳам кўндаланг қилиб қўймоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, фуқаролик жамиятида яшайдиган шахс, фуқаро энг аввало ижтимоий фаоллиги ҳамда етук сиёсий маданияти билан ажралиб туриши зарур. Бундай шахслар эса жамиятда тарбияланиши керак. Давлат ва

жамият тараққиётини таъминлашда асосий куч ва таянч бўлган аёлларга муносабат бу борада катта аҳамиятга эга. Ана шунинг учун хотин-қизлар кўмиталари ҳам ўз фаолиятларини замоннинг ана шундай талаблари асосида ташкил этиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, хотин-қизларда ижтимоий фаолликни ўстириб бориш, уларни етук сиёсий маданиятли инсонлар даражасига кўтариш, бу йўлдаги муаммоларни бартараф этиш, камчиликларни тўлатиш ташкилот олдида турган энг долзарб вазифалардир.

Шу йил 30 июль куни бўлиб ўтган Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам ана шу масалалар атрофича муҳокама этилди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалари ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Конференцияни вилоят ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Конференцияда Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитасининг 2002-2004 йилнинг ўтган

даври мобайнида олиб борган фаолияти юзасидан ҳисоботи кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилнинг 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қароридан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда Тошкент вилоят Хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви, раёсати ва назорат-тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, республика хотин-қизлар конференциясига делегатлар сайланди.

Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов сўзга чиқди.

Шу куннинг ўзида вилоят Хотин-қизлар кўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Адиба Комилжоновна Аҳмаджонова Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитаси раиси этиб қайта сайланди.



Ташқи ишлар вазирлигида учрашув

29 июль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири С. Сафоев Исроил давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цви Коэн Литантни дипломатик миссияси якунлангани муносабати билан қабул қилди.

Исроил элчисига икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти ва катта ҳиссаси учун Ўзбекистон

Президенти И. Каримов номидан миннатдорлик билдирилди. Ўз навбатида элчи Ц. Литант Ўзбекистондаги дипломатик миссиясини амал-

га оширишдаги амалий ёрдами учун Ташқи ишлар вазири С. Сафоевга миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар, хусусан, иқтисод ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик даражасига юқори баҳо берилди.

«Жаҳон» АА.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ РАСМИЙ АХБОРОТИ

2004 йил 30 июль куни Тошкент шаҳрида соат 16.45-17.00 да уч жойда портлаш рўй берди. Улар АҚШ, Исроил элчихоналари ва Ўзбекистон Бош прокуратураси бинолари олдида ўзини ўзи портлатган террорчилар томонидан содир этилди. Оқибатда икки киши ҳалок бўлди. Тўққиз киши жароҳатланди. Улардан иккитасининг аҳоли оғир. АҚШ ва Исроил элчихоналарининг бинолари зарар кўрмади. Бош прокуратура биносининг кириш жойига зарар етди.

Ўзини ўзи портлатган террорчиларнинг шахси аниқланмоқда. Улардан бирининг ёнидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида тегишли идора ва хизматлар раҳбарларидан иборат Ҳукумат комиссияси тузилди. Тергов ишлари бошланди. Террорчиларнинг шахси ва уларнинг алоқаларини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Айни пайтда элчихоналар ва бошқа муҳим объектларни кўриқлаш, террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган чоралар кучайтирилди.

РАСМИЙ АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган Ҳукумат комиссиясининг биринчи мажлиси 2004 йил 30 июль куни соат 20.00 да бўлди. Унда тегишли хизматлар ва идораларнинг содир этилган портлашлар билан боғлиқ фактларнинг таҳлили ҳамда уларни текширишга оид аниқ чоралар тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Батафсил ва чуқур текширувни амалга ошириш, террорчилик ҳаракатларининг сабаблари ва ижрочиларини аниқлаш юзасидан ҳаракат режаси қабул қилинди.

Ҳукумат комиссияси террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади. Жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳукумат комиссияси республика аҳолисини хушёрликка ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатишга даъват этади.

Ў.А.

Огоҳ ва хушёр бўлайлик

Чексиз ғазабдаман

Мамлакатимиз пойтахтида яна портлашлар рўй берганини эшитиб, жуда ғазабланиб кетдим. Чирка ҳашароти ёниб турган оловга ўзини уриб ҳалок бўлади.

Мен бугунги осуда турмушимизга раҳна солмоқчи бўлган тўдаларни ана шу ҳашаротга ўхшатаман. Ҳақиқат барибир қарор топади. Шу йилнинг март ва апрель ойларида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Бухородаги қабиҳликларга қўл урган манфур кимсалар ушланиб, айни пайтда одил суд олдида жавоб бераётирлар. Наҳотки, бадният ҳаромилар шу нарсадан ҳамон хулоса чиқармаган бўлса.

Аминманки, бу ёвузликни қилганлар ва қабиҳликлар бошида турганлар ҳам албатта, ўз қилмишлари учун халқ олдида жавоб берадилар.

Мен кўпни кўрган меҳнат фахрийси, бола-чақасидан тинган, ўндан ортиқ невараларнинг бу-васи сифатида баралла овоз билан айта оламанки, бизни энди танлаган йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди. Мустақиллик ва у берган неъматни ҳеч қачон, ҳеч кимга бермаймиз.

Мен сизлардан газетангиз орқали шу фикрларимни бошқаларга етказишингизни сўрайман.

Туроб АСҚАРОВ,
Зангиота тумани, меҳнат
фахрийси.

Иродамизни ҳеч ким буколмайди

Дунёдаги энг қабиҳ разолат — одамларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай, ўз манфаати йўлида уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш, тинчлигига, оёсайишталигига, ҳаётига тажовуз қилишидир.

Терроризмнинг на дин, на миллат ва на мамлакатни тан олмаслиги уни жаҳон халқлари ҳаётига таҳдид солувчи омилга айлантирди. Бугун нафақат биз, балки бутун жаҳон террордан азият чекоқда.

Халқимиз белини букаман, уни ўзимга бўйсундираман деган кимсалар катта хато қиладилар. Ўзбек халқи замонлар оша сайқалланиб мустақиллик, тинчлик, оёсайишталик қадрини аллақачонлар тушуниб, ўз мақсад вазифаларини белгилаб олган. Тинчлик ер юзидаги энг буюк неъмат эканлигини фаҳмлаб, мустақил, эркин-эмин, ҳамнафас бўлиб яшашга одатланган. Бу каби олий туйғуларни ёқтирмайдиган, уни оёқ ости қиладиган кимсаларга халқимиз тиш-тирноғи билан қарши туриши кундай равшан.

Кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган воқеалар ҳам бизнинг фаровон ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказиш пайида юрган кирдикорчиларнинг навбатдаги пуч ҳара-

катлари эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Фожиани бошидан ўтказиш бошқа, уни четдан туриб кузатиш бошқа. Шунинг учун ҳам халқимиз жуда топиб айтган: «Танаси бошқа дард билмас». Агар улар ўзларининг бу ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайдиган «ният» эканлигини, ҳар ким албатта ўз қилмишига яраша жазо олаётганини билсалар қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлармиди.

Бу дунёда душманлардан кўра дўстларимиз кўплиги, уларнинг оғир дамларда елкадош бўлганлиги, ўз ҳамдардликларини билдириб, ёнимизда турганлиги оғишмай ҳақиқат сари интилаётганлигимиздан дарак беради. Шундай бўлсада, бир душманнинг дўстдан хавфли эканлигини эсдан чиқармаслигимиз, ҳамisha хушёр ва огоҳ бўлмоғимиз керак!

Аслиддин ЯРАШЕВ,
Тошкент Давлат техника
университети талабаси.

• Сўраган эдингиз

Сайлов комиссиясининг ваколатлари



Хурматли тахририят аъзолари, мамлакатимизда Олий Мажлис, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайловлар яқинлашиб келмоқда. Сайлов комиссияларининг ваколатларини тушунтириб берсангиз.

**Зоҳид Қорабоев,
Тўйтепа.**

Навбатдаги қаҳриқ Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар шу йилнинг 26 декабри – яқинда кунига белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларда сайловларни тайёрлаш ва ўтказишнинг асосий принциплари белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда Олий Мажлис томонидан доимий асосда фаолият кўрсатувчи Марказий сайлов комиссияси тузилади. Унинг ваколатлари «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда белгиланган. Унинг таркиби 15 аъзодан иборат бўлади.

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, халқ депутат-

лари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси бошланганини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Сайловларни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар, низомилар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ва тушунтиришлар бериб боради. Унинг қарорлари округ ва участка сайлов комиссиялари, дав-

лат идоралари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун вилоят, туман, шаҳар, шунингдек, округ ва участка сайлов комиссиялари тузилади. Улар ўз ваколатлари доирасида иш олиб борадилар. Жумладан, округ сайлов комиссияси сайлов участкаларини тузади ва эълон қилади. У депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди.

**Кимлар депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга?
Ҳабиба САРИМСОҚОВА, Чиноз.**

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар кўрсата олади. Номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганда бошланиб, 45 кун қолганда тугайди. Қонунчилик палатасига сайлов 120 округда ўтади, бинобарин, ҳар бир сиёсий партиянинг юқори органи депутатликка 120 нафар — ҳар бир сайлов округидан биттадан номзод кўрсатишга ҳақлидир.

Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи ҳам депутатликка номзод кўрсатиши мумкин. Бунинг учун тегишли сайлов округининг камида 100 нафар сайловчидан иборат ташаббускор гуруҳ тузилади.

Ахборот хизмати ва бизнес

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида юқори технологик воситаларнинг имкониятларидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида кенг фойдаланиш ва электрон тижоратни кучайтириш зарурлиги белгиланган.

«Мароқанд» кўп тармоқли ахборот маркази ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг веб-сайти орқали юртимиздаги юз мингдан ортиқ кичик ва хусусий тадбиркорни ўзбек, рус ва инглиз тилларида иқтисодиётга оид зарур маълумотлар билан таъминламоқда. Марказнинг етмишдан ортиқ тумандаги бўлимлари хусусий бизнес вакилларига ахборот ва консалтинг хизматла-

рини кўрсатишни йўлга қўйган.

Биржа савдолари, маҳсулот, хомашё ва турли хизматлар, инвестиция ва инновация бўйича таклифлар, қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркалар ҳақидаги сўнгги янгиликлар мижозларга тезкорлик билан етказилмоқда.

**Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎЗА мухбири.**

Хусусий тадбиркорлик ривожини йўлида

Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес субъектларини ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бутловчи қисмлар билан кенг кўламли таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада ихтисослашган улгуржи савдо ташкилотлари муҳим ўрин тутати.

— Тизим таркибидаги ўн та корхона россиялик ҳамкорлар билан маҳсулот харид қилиш юзасидан салкам икки миллион АҚШ долларига тенг шартнома имзолаган, — деди «Ўзлугуржисавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Музроп Миржалилов. — Ҳозиргача ярим

миллион АҚШ доллари миқдоридagi турли ҳажмли қувурлар, машина-техника ускуналари, ёғоч ва қуриш материаллари, кимё ва электротехника саноатида кенг қўлланиладиган эллик турдаги маҳсулот нисбатан арзон нархларда юртимиз тадбиркорларига етказиб берилди.

ЎЗА.

Рақобат — тараққиёт омили

«Домина Шодлик палас» меҳмонхонасида рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ҳўжалик суди ҳамда Германиянинг Техникавий ҳамкорлик жамияти билан биргаликда ташкил этилди.

Соғлом рақобат-тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир. Ўзаро рақобат муҳитини яратиш мақсадида бошланган хусусийлаштириш жараёни юртимиз ҳаётида кенг кўламли ўзгаришлар, изчил ривожланиш даврини бошлаб берди.

Бугунги барқарор рақобат муҳити ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш тизими ва бошқа тармоқлар зиммасига жиддий масъулият юклаётир. Бу жараёнда «жон сақлаш» учун истеъмолчилар кўзини шамғалат қилишга уринадиганлар ҳам учраши табиий. Шу боис истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда истеъмолчилар ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунчилик талабларининг бузилишини судларда кўриб чиқиш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

**Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.**

«Янги ҳаёт» Оҳангарон туманидаги йирик ва кўп тармоқли ҳўжаликлардан бири, 1630 гектар экин майдонига эга ҳўжаликда ҳар йили 640-650 гектар майдонда ғалла, минг гектарга яқин майдонда сабзавот, полиз маҳсулотлари ва ҳатто ёғ олиш мақсадида маҳсар ва кунгабоқар етиштирилади.


Шунио диққатга сазоворки, бу тармоқларнинг ҳаммаси яхшигина даромад келтиради. Масалан, ўтган йилги мавсумда ғалла, сабзавот, полиз ва озуқа экинларидан 260 миллион сўм даромад олинди. Шундан 65 миллион сўми соф фойда бўлиб, бу маблағнинг асосий қисми ҳўжалик аъзоларини меҳнатларига яраша моддий рағбатлантиришга ва ҳўжаликнинг кам-кўстларини бутлашга ишлатилди.

Ҳўжаликнинг асосий даромад манбаларидан бири — ғаллачилик, албатта. Кейинги йилларда ҳосилдорлик барқарорлашди. Хусусан, бу йил 645 гектар майдонда ғалла етиштирган 23 нафар оилавий пудратчи гектаридан 42 центнердан ҳосил олди. Бу Оҳангарон тумани шароитида анча юқори кўрсаткичдир.

«Экосан» халқаро жамғармасида бирмунча вақт илгари Навоий ва Бухоро вилоятларига жамғарма томонидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ҳамкорлигида жўнатилган Саломатлик ва мурувват поездининг пойтахтимизга қайтиб келиши муносабати билан учрашув бўлиб ўтди.

Вилоятлар ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий-кўрикдан ўтка-

Тўртдан бири соф фойда



Мўмай даромад келтираётган яна бир йирик тармоқ чорвачилиқдир. Бу соҳа, Туркиянинг «DEMIR» фирмаси ҳомийлигида, айниқса, кейинги йилларда кескин ривожланди. Масалан, 2001 йили ҳўжалик бор-йўғи 61 бош ёш молга эга бўлса, 2002 йилга келиб гўштга боқиладиган новвосларнинг ўзи 340 бошга етди. 2002 йилда 80 тонна гўшт етиштирилган бўлса, кейинги йили 120

тоннага етказилди. Бу йил гўшт етиштириш янада кўпайиши кутилмоқда. Чунончи, ўтган йили гўшт етиштиришдан 20 миллион сўм даромад олинган бўлса, бу йил олти ойдаёқ шунча миқдорда гўшт сотилди. Дастлаб 28 киши билан иш бошлаган чорва фермасида бугун 40дан ортиқ чорвадорлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Кўп тармоқли ҳўжалик ишини ташкил этиш ва бош-

қаришни йўлга қўйиш осон иш эмас. Бу борада ҳўжалик раиси Ҳамед Ҳабибов ҳамда ферма мудири Неъмат Шометовларнинг малака ва тажрибаси қўл келмоқда.

Фақат гўшт етиштириш эмас, эндиликда сутчилик тармоғини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, келаси йили чет элдан 250 бош зотли сиғир келтириш режалаштирилмоқда. Умуман, йил охирига бориб, ҳўжаликда қорамоллар туёғини камида 1000 бошга етказиш мўлжалланган. Шунда ҳар ойда 15-16 тонна гўшт етиштириш имкониятига эга бўлинади. Келажакда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш цехи очилади ва ҳўжаликка салмоқли даромад келтирадиган яна битта йирик тармоқ вужудга келади. Чорвачилик соҳасида мўқим иш ўрнига эга бўладиган кишилар сони қарийб 70 нафарга етади.

**Абдусамед ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
маҳсус мухбирлари.**

«Экосан» поезди қайтди

зиш мақсадида мазкур сафарга Тошкент шаҳридан 15 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар ҳам жалб этилган бўлиб, улар томонидан Навоий вилоятидаги 3 минг 149 нафар нафақадаги ногирон ва қаровчисиз

қариялар, аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шундан сўнг, гуруҳ ўз ишини Бухоро вилоятида давом эттириб, маҳаллий аҳолидан 2500 нафарини тиббий кўрикдан ўтказишга эришилди.

Шунингдек, бу вилоятлардаги боқувчисини йўқотган оилаларга, ногирон ва кексаларга, аёллар ва болаларга кийим-кечак, пойабзал, тиббий воситалардан иборат жами 35 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами топширилди.

Муҳаммад СУННАТОВ.

Танловнинг сўнгги босқичи бошланди

«Мафтункор ранглар олами» халқаро бадий кўрик-танловнинг якуновчи босқичи бошланди.

Қатор йиллардан буён Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Бадий академия, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, «Ёнгра» халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда халқимиз учун энг буюк ва азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни арафасида «Мафтункор ранглар олами» танловини ўтказиб келмоқда.

Юртбошимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган жорий йилда танлов тўққизинчи мартаба ўтказилаётди. Тадбир доирасида болаларни хорижлик етакчи шифокорлар кўрикдан ўтказди, улар керакли даволаш муолажаларини олади, зарурат туғилганда эса таянч-ҳаракатланиш воситалари билан таъминланади. Бундан ташқари болалигидан ногиронлар муаммоларига бағишланган халқаро семинар ҳам ташкил этилади. Унда ушбу муаммоларга оид масалаларни ҳал қилиш батафсил муҳокама этилади.

Мамлакатимизда ижтимоий ёрдамга муҳтож одамларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда, жисмоний имкониятлари чекланган кишиларни реабилитация қилишга катта эътибор берилиб, уларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ва соғлигини тиклаш борасида катта

ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан бу борада қатор хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. «Мафтункор ранглар олами» болалар расмлари кўрик-танлови бунга ёрқин мисол бўла олади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида танловнинг ҳудудий босқичлари муваффақиятли ўтказилди. Шуниси эътиборлики, танловда нафақат мамлакатимиз, балки бошқа Марказий Осиё давлатлари болалари ҳам ўз расмлари билан иштирок этди.

Кўрик-танловнинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга. Негаки у тиббий ёрдамга муҳтож иқтидорли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, улар жамиятда ўзининг муносиб ўринини эгаллашига ёрдам беради.

Бу галги танлов болалар учун ҳақиқий байрамга айланади. Унинг доирасида мамлакатимиз расмлари асарларининг кўргазмаси, таниқли мўйқалам усталари билан учрашувлар, эстрада юлдузлари ва ёш ижрочилар иштирокида концертлар ўтказилади. Ғолибларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг совғалари топширилади.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

«Умумармия ўйинлари-2004»

«Умумармия ўйинлари-2004» ҳарбий-спорт мусобақалари қизғин паллага кирди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида тош кўтариш баҳсларининг навбатдаги ғолиблари аниқланди.

Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти курсанти Ф.Темиров ҳамда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти ўқитувчиси, лейтенант О.Имомов вазн тоифалари бўйича биринчи ўринни олишди.

Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти полигонидида ўтказилаётган енгил атлетика кроссида ҳарбийлар уч чақирим масофага югуриш бўйича куч синашди. Унда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Самарқанд

Майдонда — маҳоратли ҳарбийлар

олий ҳарбий автомобиль кўмондон-муҳандислик билим юрти жамоасига насиб этди. Танкчилар иккинчи, Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида офицерлар учкураши бўйича давом этаётган беллашувларда майдон эгаларидан капитан Ж.Шокиров ва танкчи, подполковник С.Эргашев биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Шарқий ҳарбий округ лейтенанти Б.Носиров ҳамда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондон-

муҳандислик билим юрти майори А.Сайдуллаевга насиб этди.

Вазн тоифалари бўйича Шарқий ҳарбий округ оддий аскарлари Б.Жалолов, О.Эргашев, Жанубий-ғарбий ҳарбий округ лейтенанти Ш.Норқобилов, Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти курсанти Ж.Мамаризаев, Марказий ҳарбий округ вакили М.Муханбетжоновга ғалаба ёр бўлди.

«Умумармия ўйинлари-2004» мусобақалари давом этмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Комиссия мажлиси

ТРАСЕКА лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси раиси Р.Юнусов бошқарди.

Мажлисда ТРАСЕКА дастури доирасида Ўзбекистон иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси, республика вазирлик ва идораларининг янги лойиҳалари устида иш олиб бориш масалалари кўриб чиқилди, Миллий комиссиянинг самарали транспорт тизимини ривожлантириш бўйича стратегияси, мамлакатимиз транспорт йўлакларини истиқболлари муҳокама этилди.

Ташқи бозорда транспорт хизматлари рақобатбардошлигини ошириш, транзит сиёсатини ривожлантириш муаммоларига катта эътибор қаратилди, ТРАСЕКА йўлаги ҳамда бошқа минтақавий ва минтақалараро транспорт йўлакларини фаолияти хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлаш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

ЎЗА.

Чирчиқ шаҳридаги Жалолiddин Мангуберди номи спорт мажмуида бўлажак аскарларнинг Қуролли Кучларимиз сафидаги хизмат сифатини янада ошириш, йигитларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилиб келинаётган курсантлар кўпкураши мусобақаларининг навбатдаги вилоят босқичи баҳслари бўлиб ўтди.

Навқирон курсантлар кўпкураши


Республика босқичига тайёргарлик вазифасини ўтаган ушбу мурасим мусобақаларда вилоятимизнинг Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл ва Келес шаҳрлари автомобиль мактабларидан келган бўлғуси аскарлар спортнинг 12 тури — граната улоқтириш, ўқ отиш, 100 ва 3000 метрга югуриш, тўсиқлар оша югуриш, автомобилни бошқариш, йўл ҳаракати қоидалари, сузиш, тўсинга тортиниш, узунлик ва баландликка сакраш ҳамда маънавият ва маърифат бўйича синовдан ўтдилар.

Таъкидлаш жоиз, кўпкураш баҳсларининг ўтган йилги республика босқичида ҳам вилоятимиз терма жамоаси йигитлари маҳорат ва чаққонлик бобида барча тенгдошларидан устун эканликларини намоиш этишиб, ғолибликни қўлга киритишганди. «Алпомиш» ва «Барчиной» мусобақалари талаблари асосида ўтказилган бу йилги вилоят босқичи баҳсларида ҳам йигитларимиз ўтган йилги муваффақият бежизга эмаслигини оқлашга интилиб, жонбозлик кўрсатишди.

Кескин давом этган баҳслар натижасига кўра, мусобақа мезбони — Чирчиқ автомобиль мактабининг биринчи терма жамоаси шохсупанинг юқори поғонасини эгаллади. Иккинчи ўринга эса, ушбу мактабининг иккинчи терма жамоаси сазовор бўлди. Учинчи ўрин ангренлик навқирон спортчиларга насиб этди.

Мазкур кўпкураш мусобақаларининг республика финали баҳслари 12-14 август кунлари Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтади.

ЎЗ мухбиримиз:



Сўлим гўшада

«Ангрен кўми» ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Коинот» болалар дам олиш оромгоҳи азим тоғлар этагидаги сўлим гўшада жойлашган. Ёз бўйи уч мавсумда хизмат кўрсатадиган маскан ўз бағрига 350 нафар дам олувчини сиғдира олади.

Бу ердаги барча шарт-шароитлар болажонларнинг марокли хордиқ чиқариб, янги ўқув йилини кўтаринки кайфият ва янги куч-ғайрат билан бошлашларини таъминлайди. Масканда бунёд этилган иккита чўмилиш ҳавзаси, 150 ўринли ошхона, талаб даражасида жиҳозланган спорт майдончалари сифатли хизмат кўрсатмоқда. Шу билан бирга

ўғил болалар учун спорт, қизлар учун тикиш-бичиш, каштачилик, қандолатчилик тўғрараклари ташкил этилган. Маънавият ва маърифат хонаси ҳамда мўъжазгина кутубхона эса, дам олувчилар билан ҳамisha гавжум.

— Оромгоҳимизда турли миллатга мансуб ўғил-қизлар дам олишади, — дейди маскан раҳбари Гулбаҳор Мусаева, —

улар ўртасидаги дўстона муносабатларни шакллантириш, уларни маънан ва жисмонан кучли қилиш учун деярли ҳар куни турфа тадбирлар, мусобақалар, интеллектуал ўйинлар уюштирмаймиз. Кунга кеча бўлиб ўтган «Ёш авлод — 2004» фестивали ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Оромгоҳ жамоаси ҳар йили ўз имкониятларидан келиб

чиқиб, меҳр-мурувват ишларига ҳам бош қўшмоқда. Бу мавсумда Ангрендаги 34-меҳрибонлик уйининг 50 нафар тарбияланувчиси ёзни айна шу оромгоҳда бепул ўтказмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Коинот» болалар дам олиш оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АХМАД
олган суратлар.

• Сарчашмалар

«Қалдирғоч» парвозга шай

...Ҳаётда шундай «олдузли» онлар бўладики, инсон умр бўйи ана шу сонияларнинг ижобат бўлишини кутиб яшайди. Чеккан заҳматлари, эришган ютуқлари ҳам, тортган жабру жафолари-ю, тортган қувончлари ана шу дақиқаларнинг олдидан ҳеч нарса эмас.

Ёш ҳуққабозу акробатчилар, эквилибрист, кўзбойлогичлар, қизиқчи-масхарабозлар, пантомимачилар кўз ўнгингизда бир-биридан қизиқ чиқишларни гоёт чаққонлик ва

нозик ҳаракатлар билан бажаришадими, «устозингга балли», деб юборасиз. Азамат Маҳмамов, Дилшодбек Сиддиқов, Хуршидбек, Умидбек, Хулқарой Раҳмоновларнинг ҳар бири Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий республика кўрик-фестивалида иштирок этиб, голиб бўлдилар. Голиб жамоага биринчи даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совға топширилди.

ТАҚДИМОТ

«Ўзбекистон миллий дорбозлар гуруҳи, цирк санъати жамоалари ва ҳаваскор кўғирчоқ театрларининг учинчи анъанавий Республика кўрик-фестивалида ўзининг юқори бадиий савиядаги томоша дастури ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун

Тошкент вилояти Янгийўл тумани маданият уйига қарашли

«Қалдирғоч» болалар намунали цирк жамоаси

2004 йилнинг 25 июнь қарорига асосан

1 даражали ДИПЛОМ билан тақдирланади.

Ҳакамлар ҳайъати.

Хонобод шаҳри.


Дарвоқе, 1997 ҳамда 2000 йилларда ўтказилган маскур кўрик-фестивалнинг ҳар икки босқичида ҳам «Қалдирғоч» цирк жамоаси голиблар сафидан ўрин олган эди.

Шу тобда ногоҳ кўнгилда бир иштибоҳ туғилади. Цирк санъати, майли, у ҳаваскорлик бўлсин, ниҳоятда мураккаб, гоёт машаққатли ҳунардир. Уни «ановман, мановман» деб кериладиганлар ҳам ундалай олмайди-ю, кичкинагина болакай ва кизалоқларга йўл бўлсин. Аммо кўз кўриб, кулоқ эшитиб турибди-ку!

ТАНИШУВ

Ўзи шунақа. Ишинг юришмай турганда, ё биров кириб келади ё телефон жиринглайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Гўшакни кўтардим. Нариги томондан вилоят маданият бошқармасидан Шокиров сўраётганини айтишди.

«Шу Акбарали яхши йигит-да,



— ўйладим ўзимча. — Зарур пайтда йўқлаб, мушкулнингни осон қиладим».

Хол-аҳвол сўрашгандан сўнг Акбарали муддаого ўтди: «Хузуригизга «Қалдирғоч» болалар циркиннинг раҳбари Дарвишбекни юбордим. Бир суҳбатлашиб кўринг-а...»

Афсонавий Алпомишлару Фарҳодларнинг жасорати ҳамиша тилларда дoston бўлиб келган. Албатта, ҳозирги кунларда ҳам юртимизда ана шундай паҳлавон ва фидойи кишилар кўпчиликни ташкил этади.

Одатда паҳлавон келбатли кишилар камгап бўлишади. У эса аксинча... Чаққон ҳаракатлари ўзига ярашиб туради, сўзамол, ҳазилга мойиллиги бор, дўровозли — «Қалдирғоч»нинг устози, «Шўхрат» медали совриндори Дарвишбек Раҳмонов! Ҳарқалай, у менда ана шундай таассурот қолдирди.


МИХ САБАБЛИ

1975 йил эди. Ўш шаҳрида машҳур полвон Эргашўжа Норхўжаев бошчилигидаги аттракцион гуруҳ томошалар кўрсатарди. Томоша айна кириб турган пайтда машҳур полвон томошабинларга қараб, «Тахтага қоқилган михни ким суғуриб олса, катта соврини бор» дея мурожаат қилди. Даврага норғул бир йигит тушди-да, михни қил суғургандек

Халқимизда от ўрнини тойлар босади, деган нақл бор. Дарвишбекнинг фарзандлари Хуршидбек, Хулқарой ва Умидбеклар «Қалдирғоч» цирк жамоасининг доимий аъзоларидир. Улар ҳам ота изидан бориб, санъатнинг сеҳрли сўқмоқлари бўйлаб тетапоя қилишмоқда.

Айтишларича, қалдирғоч ниҳоятда тиним билмас, озода, инсонга дўст, юксак-юксакларга парвоз қила оладиган куш бўларкан. Шу жиҳатдан олиб қараганда, «Қалдирғоч» болалар цирки жамоасининг парвози янада баланд бўлишига ишонгимиз келади.

Шавкат ТУРОБ.

Кутубхона:
Замон билан
ҳамнафас

Мамлакатимизда барча соҳаларни, жумладан, кутубхона ишини компьютерлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизнинг йирик маърифат ўчоқларидан саналмиш Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Интернет тармоғи орқали жаҳоннинг нуфўзли кутубхоналари билан боғланиш, кутубхоначилик ишини янада тақомиллаштириш ва автоматлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозир кутубхона хазинасида 75 тилда 10 миллионга яқин ноёб китоб сақланади. Уларнинг умрини узайтириш, асраб-авайлаш мақсадида ушбу китобларнинг электрон версиялари яратилмоқда.

Бу ерда бўлиб ўтган «Замонавий инфорацион-кутубхона инфратузилмаларини ривожлантириш» мавзуидаги семинар-тренингда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Соҳага замонавий компьютер технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, илмий кутубхоналар бошқарувида маркетингнинг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎЗА.

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР!

Қибрай тумани Тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи 2004-2005 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилинаётганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Коллежга қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилинмоқда:

1. Ҳуқуқшунослик

Касби: Ҳуқуқшунос-иқтисодчи
Мутахассислиги: 1. Ҳўжалик масалалари ҳуқуқшуноси.
2. Ҳуқуқшунос-бухгалтер
3. Кадрлар бўйича инспектор
4. Иш юритувчи

2. Ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза

Касби: Ҳуқуқшунос
Мутахассислиги: 1. Ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича ҳуқуқшунос
2. Меҳнат ҳуқуқ инспектори
3. Кадрлар инспектори

3. Молия-кредит

Касби: Молия агенти
Мутахассислиги: 1. Корхоналар бўйича молия агенти
2. Жисмоний шахслар бўйича молия агенти
3. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши бўйича молия агенти

4. Банк иши

Касби: Банк операциялари бўйича мутахассис
Мутахассислиги: 1. Кредит операцияси бўйича мутахассис
2. Валюта операцияси бўйича мутахассис
3. Пул воситалари бўйича мутахассис

5. Автомобиль двигателларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш

Касби: («ВС» ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади) Автотранспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича уста
Мутахассислиги: 1. Автотранспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича чилангар
2. Автотранспорт электр жиҳозларини таъмирлаш бўйича электрик
3. Автотранспорт воситалари ҳайдовчиси

6. Ветеринария

Касби: Ветеринар-фельдшер
Мутахассислиги: 1. Ҳайвонларга ветеринария ишловини бериш бўйича оператор
2. Дизинфектор
3. Биохимлаборант

Коллежда барча мутахассисликлар бўйича:

9-синф ва 11-синф ҳажмида кундузги бўлимга;
11-синф ҳажмида сиртки бўлимга ўқувчилар қабул қилинади.

9-синф ҳажмида ўқиш муддати — 3 йил.

11-синф ҳажмида кундузги бўлимда ўқиш муддати — 2 йил.

11-синф ҳажмида сиртки бўлимда ўқиш муддати 2 йилу 10 ой.

11-синфлар ҳажмида ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Аттестат (диплом ёки гувоҳнома)нинг асл нусхаси.
3. 9-синф учун тавсиянома (психологик ташҳис марказидан).
4. Яшаш жойидан маълумотнома.
5. Фотосурат 6 дона 3х4 ҳажмда.
6. Тиббий маълумотнома (086-У форма).
7. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
8. Паспорт ва ҳарбий ҳужжат шахсан кўрсатилади.


Ҳужжатларни қабул қилиш 15 августгача давом этади.

Сиз бизнинг коллежда барча ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар томонидан таҳсил оласиз ва ўз касбий билимингизни мунтазам ошириб борасиз.

Коллеж манзили: «Буюк Ипак йўли» метро бекатидан 496-автобус.

138-маршрутнинг «Медтехника» бекати. 43-маршрут, 1-, 17-автобусларнинг «Хумоюн» бекатидан «Медтехника» бекатигача пиёда юрилади. Мўлжал: «Медиз» корхонасининг рўпарасида.

Сен келажак учун ўз йўлингни танла, чунки келажак сенинг қўлингда.



XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

Ироқ: Мазаси қочди

— Қамоқхонада суд жараёнини кутаётган Саддам Хусайн миясига қон қуйилиб, ўлишига сал қолди, — деди унинг иорданиялик адвокати Муҳаммад ал-Рашдан. Хукук ҳимоячисининг сўзларига қараганда, у Ироқ прокуратураси раҳбари Салим Халабига собиқ диктатор ҳузурига шифокор киритилиши талаб этилган хат жўнатган. Бу орада Ироқ ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Хамид ал-Байоти мамлакат собиқ президентининг клиник ўлими ҳақидаги, интернет тармоғи орқали тарқатилган маълумотни рад этди.

Буюк Британия: Портлаш ҳақида фильм

Буюк Британиянинг BBC ахборот компанияси Лондон марказида бомба портлаши ҳақида телефильм тайёрламоқда. Фильм муаллифлари Британия пойтахтига террорчилар хуружи чоғида юз бериши мумкин бўлган воқеаларнинг тахминий ривожини кўрсатиб бериш ниятида. Сценарияга мувофиқ террорчилар Лондоннинг Liverpool Street темир йўл вокзалида 400 килограммли бомбани портлатадилар. Мазкур хуруж оқибатида 200 га яқин одам қурбон бўлиб, шаҳар радиация билан заҳарланади.

АҚШ: Танлов парвозлари

Бир ой муқаддам коинотга парвоз қилган Space Ship One хусусий фазо кемаси сентябрда яна учиради. Мазкур кема 10 миллион доллар ҳажмидаги соврин олишга уринаётган даъвогарлардан биридир. Танлов шартларига кўра, соврин ер сатҳидан 100 километр баландликка кўтарила олган ва икки ҳафта ўтмай, ана шу муваффақиятини такрорлай билган дастлабки хусусий уч ўринли фазо кемасига берилади. Синов парвозини 29 сентябрда ўтказиш режалаштирилган.

Бекат номлари сотилмоқда

Нью-Йорк ерости транспорт бекатлари яқинда машҳур компания ва фирмалар номларига ҳамоҳанг атала бошлаши мумкин. Шаҳар транспорти раҳбарлари метро бекатлари номларини энг кўп маблағ бермоқчи бўлганларга сотиш ниятида. Шаҳар транспорт бошқармаси келгуси йилга мўлжалланган 540 миллион долларлик бюджет камомадини қисман қоплаш учун бекатлар, поездлар ва метро йўналишлари учун ҳомийлар изламоқда.

• Шарҳловчи минбари

Террорчиларнинг навбатдаги таҳдиди

Италияга халқаро террорчиларнинг таҳдиди кучаймоқда. Хабарларга қараганда, интернет саҳифаларида Италия ҳукуматига турли террорчи ташкилотлар томонидан юборилган дағдаға мактублари пайдо бўлган. Уларнинг катта қисми «Абу Хафса ал-Масрий» гуруҳи томонидан юборилгани аниқланди.

Собиқ «Ал-Қоида» раҳбарларидан бирининг номи билан аталувчи ушбу тўда мактуб орқали бош вазир Силвио Берлусконини ўлим жазосига ҳукм қилганини билдирган. Таъкидланишича, гуруҳ 2001 йил 11 сентябрда АҚШда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларини Италияда такрорлаш ниятида.

«Абу Хафса ал-Масрий» 2003 йил августда Бағдоддаги БМТ ваколатхонасини портлатганлик учун жавобгарликни ўз зиммасига олганди. Унинг жангарилари томонидан жорий йилнинг 11 мартда Мадридда содир этилган портлашлар 192 кишини ҳаётдан олиб кетди.

Интернет орқали Италияга «Холид ибн ал-Валид» ташкилотидан ҳам кўплаб хатлар келяпти. Уларда айтилишича, италиялик ҳарбийлар Ироқни тарк этмаса, тер-


рорчилар ўзларининг «ноанъанавий қуроллари»ни ишга солиши мумкин.

С.Берлускони ҳукумати эса таҳдидларга қарамай, ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқишга шошилмаяпти. Ўтган сешанба куни сенат коалиция таркибидаги Италия ҳарбий бўлинмаларининг ваколат муддатини 2004 йилнинг декабригача узайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Италия учун анархиячилар ҳаракатининг жанговар қаноти ҳам жиддий хавф солиб турибди. Улар мамлакатнинг Европа билан интеграциялашувига террорчилик йўли билан норозилик билдирмоқда. Мамлакат полицияси қўрилган чора-тадбирлар натижасида кўпуровчиликка алоқадорликда гумон қилинган шахсларни қўлга олишга муваффақ бўлди. Улар Европа Иттифоқи раҳбариятига ичига портловчи модда солинган бандероллар жўнатиш билан шўғуллангани тахмин қилинмоқда. Ўтган йили рождество байрамида шундай бомбалардан бири Европа комиссиясининг собиқ раиси Романо Проди қўлида портлаган эди.

Италия ҳукуқ-тартибот идоралари террорчилик ташкилотлари фаолиятига барҳам бериш мақсадида махсус операцияларни амалга оширмоқда. Бутун мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтириляпти.

Нодирбек
ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Испания.

Ҳарбийлар учун текин

Америкалик ҳарбийлар бундан буён пластик жарроҳлар хизматидан текинга фойдаланишади. Улар солиқ тўловчилар ҳисобидан ўз бурунлари шаклини ўзгартиришлари, кўкраклари ҳажмини кенгайтиришлари, липосакция қилдиришлари ёки юзларини торттиришлари мумкин.



«Ҳарбий либосдаги ҳар бир одам шундай хизматлардан фойдаланишга ҳақли», — деди ҳарбий-тиббий марказнинг пластик жарроҳлик бўлими мудири Боб Лайонс. «Жарроҳлар ҳам кимлардadir тажриба орттириши керак-ку», — дейишмоқда Пентагон вакиллари.

Кончидан олиб қўйилди

Гвинея жануби-шарқида, Фил суяги соҳили ва Либерия сарҳадлари яқинида июнь ойида 182 каратли олмос қазиб олинган эди. Ҳукумат вакиллари мазкур топилма ҳақида эълон бергач, тошни



мамлакат пойтахтидаги Гвинея марказий банки хазинасига жойлаштирилди. Қимматбаҳо гавҳарни топган кончининг олмосни ҳукуматга топширишдан бошқа иложи қолмади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Энг пултопар асар

Машҳур фантаст ёзувчи Айзек Азимовнинг ҳикоялари асосида суратга олинган «Мен, робот» фильми Шимолий Америка прокатида ёзги мавсум тақдимотлари мобайнида энг кўп пул топган киноасарлардан бўлди. 20th Century Fox киностудиясининг ушбу маҳсулоти илк намоишининг дастлабки уч куни давомида 52,2 миллион доллар маблағ йиғиб, ўздан олдин уч ҳафтада 24,8 миллион доллар жамлай олган «Инсон-ўргимчак-2» блокбастерини анча ортида қолдирди.



Турфа олам

Турфа олам

«Шарқ машъали»



Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Шарқ машъали» мавзuida кўргазма очилди. У Бадий академия, Корея Республикасининг юртимиздаги элчихонаси, Корея Халқаро рассомлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбек-корейс мусаввирларининг ушбу анъанавий ўн иккинчи кўргазмаси икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, рассомларнинг ўзаро ижодий мулоқотларини янада жонлантириш, маънавий қадриятларни тарғиб этишдек хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Кўргазмада корейлик Ким Чоу Жа, Чои Чанг Соок, Лее Со Хунг каби ўттиздан зиёд мусаввир билан бирга Баҳодир Жалолов, Шоира Кўзиева, Собир Раҳметов, Светлана Шин сингари ўзбекистонлик рассомларнинг уч юзга яқин сара асарига кенг ўрин берилган.

Кўргазманинг 4-10 август кунлари Корея Республикасининг бадий галереялари ҳамда санъат марказларида ҳам намоиш этилиши кўзда тутилган.

Кўргазманинг очилишида Корея Республикасининг юртимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчиси Ким Сонг Хван иштирок этди.

Ў.А.

• Бизнинг олимпиадачилар

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонларидан бирида Душанбе шаҳрида ўтказилган стол тенниси бўйича турнирда вакиламиз Манзура Иноятова ғалаба қозонгани ҳақида хабар қилгандик. У тожикистонлик спортчи Татьяна Дегтяревани ма-

лубиятга учратиб, Афина Олимпиадаси учун Марказий Осиё ва Эрон ҳудудидан бериладиган ягона йўлланмани қўлга киритди. Ушбу моҳир спортчимиз билан бўлган суҳбатимиз спортчимиз келажаги хусусида бўлди.

Манзуранинг шашти баланд

— Суҳбатни спортдаги илк қадамнингиздан бошласан...

— Мен спорт мавжуд муҳитда туғилиб-тарбияландим, деса янглишмайман. Негаки, ота-онам жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари ҳисобланади. Шу сабабли олти ёшимдан бошлаб, стол тенниси билан мунтазам шуғуллана бошлаганман. Биринчи устозим эса акам — Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Жаффар Иноятов бўлади. Опам Феруза ҳам универсиада мусобақаларига тайёргарлик кўрмоқда.

2000 йилда Хван Мангим клубида ТОП-12 турнирининг бўлиб ўтиши ҳаётида бурилиш ясади. Шундан бери клуб президенти Григорий Хваннинг ғамхўрлигида шу ерда маҳоратимни оширмоқдаман. У яратиб бераётган моддий ва маънавий шароит менинг муваффақиятларимга омил бўлаётир.

— Сизнингча, хотин-қизларимиз кўпроқ спортнинг қайси турлари билан шуғулланганлари маъқул?

— Аввало, спорт билан шуғулланиш дегани шу экан, деб рингга чиқиб, эркакчасига солишишга қаршиман. Қўл тўпи, сузиш, волейбол, теннис каби спорт турлари билан шуғулланиш хотин-қизларимизга жуда ярашади. Хоҳиш ва интилиш устига етарли шароитлар яратиб берилса, ҳомиёлар муаммоси ҳал этилса, ҳар биримиз катта муваффақиятларни тақдорлашимиз мумкин. Истеъдодга келсак, кимдадир у бўлади, кимдадир йўқ. Уни сезиш ва юзага чиқариш ота-онанинг муҳим вазифасидир.

— Натижалар ўзингизни қониктирадими? Уларга атрофдагиларнинг муносабати қандай?

— Ҳозир стол тенниси рейтингдаги 2000 нафар спортчи ўртасида 369-ўриндаман. Болалиқдан орзуим — Олимпиадада қатнашиш эди. Насиб қилган экан, Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўзим шуғулланаётган спорт тури бўйича олимпиада йўлланмасини қўлга киритдим. Ваҳоланки, Осиё қитъаси стол теннисчиларига жаҳонда тенги топилмайди. Дарвоқе, булар барчаси ҳар куни узлуксиз равишда 5-6 соатлаб қилинган меҳнатлар, чекилган заҳматлар натижасидир. Ушбу спорт турида реакция, куч ва чаққонлик ҳал қилувчи ҳисобланади.

Ҳар бир ғалабадан сўнг атрофимдагиларнинг менга хайрихоҳлигини ҳис этаман. Муваффақиятларга эришиш орқали эса «ғанимлар кўзин намлайман».

— Бугунги ёшларимизни қандай таърифлай оласиз?

— Баъзида ёшларимиз ҳақидаги танқидий фикрларни эшитасиз. Бироқ, ҳозирги ўғил-қизларнинг ўртак олса арзийдиган жиҳатлари ҳам жуда кўп. Улардаги истеъдодни рўёбга чиқариш, эркин яшашга интилиш, Ватанга хизмат қилишга иштиёққа

Суҳбатдош ҳақида:

Манзура Иноятова — 1985 йилда туғилган. Спортчилар оиласидан. Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида ўқийди. Стол тенниси бўйича Ўзбекистоннинг кўпқарра чемпиони.

Юқоричирчик туманидаги Хван Мангим номли махсус клубда фаолиятини давом эттириб, 12 ёшидан бошлаб, Покистон, Ҳиндистон, Германия, Швеция, Қатарда ўтказилган кўпқарра халқаро турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган.

Устозлари — Жаффар Иноятов, Илья Фрегер ва Георгий Цой.

навор ўйинига тан бераман.

— Бўлажак олимпиададан нималарни кутаяпсиз?

— Мен мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги арафасида Ватанимиз янги тарихида илк бора Олимпиада ўйинларининг стол тенниси бўйича ўтадиган баҳсларида қатнашиш имкониятини қўлга киритганимдан фахрланаман. Бу, албатта, биз спортчиларга давлатимиз ва ҳомиёларимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ҳамда ғамхўрлик ҳосиласидир. Йўлланмани қўлга киритишимда Тожикистондаги баҳслар синов ўрнини ўтаган бўлса, уларнинг асосийси Афинада бўлиб



ҳавас қилсанг арзийди. Спортда улкан муваффақиятларга эришиб, Ўзбекистонни жаҳонга танитаётган ҳам улар. Қолаверса, барчаси муҳит ва тарбияга боғлиқ деб ҳисоблайман.

— Катта спортда кимларга ҳавас қиласиз?

— Стол тенниси бўйича жаҳоннинг кўпқарра чемпиони ва Европанинг етти марта ғолиби, шведиялик Ян Уве спортдаги фаолиятига ҳавас қиламан. Шунингдек, у 37 ёшида Сидней Олимпиадаси кумуш медалини қўлга киритган. Валднерни стол тенниси академияси деб ҳам аташади. Боксчилардан Виталий Кличконинг мардо-

ўтади. Албатта, дунёнинг турли мамлакатларидан келган 64 нафар кучли спортчилар орасидан «улоқни олиб чиқиш» осон иш эмас. Масъулият «тоши» эса, енгил эмас. Ҳақиқий спортчи ҳар бир мусобақага, устига-устак у Олимпиада ўйинлари бўлса, фақат ғалаба қозониб, юрт довуғини оламга янада дoston қилгани ташриф буюради. Шу маънода бугунги кундаги барча саъй-ҳаракатлари Афина олимпиадасида муносиб қатнашишга қаратганман.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири
Воҳид БОЙМУРОДОВ
суҳбатлашди.

• Рассом ҳандаси



Изоҳнинг ҳождати йўқ.

Рассом Абдурасул ҲАКИМОВ.

• Бекажон

Бисквит хамир

Бисквит хамирдан тайёрланадиган маҳсулотлар ўзининг юмшоқлиги, енгиллиги ҳамда тайёрланиш жараёни жиҳатидан бошқа турдаги хамирлардан ажралиб туради. Бисквит нозик, эластик тузилишга эга бўлиб, юпка, силлиқ қатлам билан қопланган бўлади. Тайёр бисквитдан турли тортлар, рулетлар, пироглар ва пирожнийлар тайёрланади.

Бисквит хамир асосан тухум, шакар, ун, сариеғ қўшиб тайёрланади. Баъзан унинг бир қисми крахмал билан алмаштирилади. Шунда, бисквит янада юмшоқ, енгилроқ бўлиб пишади.

Бисквит хамир тайёрлашнинг асосий рецептлари куйидагилар: 1. Оддий бисквит хамири: 1 стакан шакар, 6 та тухум; 2. Картошка крахмали қўшиб тайёрланадиган бисквит хамир: 3 ош қошиқ ун, 3 ош қошиқ крахмал, 5 та тухум, 3 ош қошиқ шакар; 3. Сув қўшиб тайёрланадиган бисквит хамир: 1,25 стакан ун, 0,75 стакан шакар, 5 та тухум; 4-5 ош қошиқ иссиқ сув; 4. Сариеғли бисквит хамир: 2/3 стакан ун, 0,5 стакан шакар, 4 та тухум, 4 ош қошиқ юмшатиш сариеғ.

Ойшахон ЗОКИРОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар, Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 2004 йил 12 майда Зоҳидова Нодира Курбановна номига берилган 1380 рўйхат рақамли, ЖШ 011115 чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2004 йил 10 июнда «Частный сектор» журналида Юнусобод туманидаги «RASKUSH» хусусий фирмаси (ОКПО 19286134) тугатилганлиги ҳақидаги эълон **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шуни маълум қиламизки, «RASKUSH» хусусий фирмаси (ОКПО 19286134) «RASKUSH» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади.

Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси Оққўрғон тумани табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси Саитрахмон Идрисходжаевга волидаи муҳтарамаси

Тўрапошша ая ХУСАНОВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВА

МУАССИСА
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилнинг:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчйлар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот босмахонасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тарғиб ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув
лардаги факт ҳамда далил
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув
чилар масъулдир.